

1. Имом ва соликчи .....	1
2. Петр ва Корнилей Элчиларнинг ишлари 10:1-47; 11:1-4, 14, 18 .....	1
3. Дуненинг яратилиши, ва Нажот топиш хакида .....	2
4. Дунёнинг яралиши Кириш1:1-31; 2:1-25 .....	3
5. Одам Ато ва Момо Ҳавонинг гуноҳи Кириш 3:1-19а, 21-24 .....	3
6. Худо Иброҳимни танлади Кириш: 12:1-7, 15:1-6.....	5
7. Ваъда Исаия/Ишаё 53 .....	5
8. Ёвуз руҳлар васвасасига учраган одам Марк 5:1-20 .....	5

### 1. Имом ва соликчи

Исо пайғамбар муқаддас китоб Инжилда келтирилиши бўйича бизга қуйидаги ҳикояни айтиб беради: Бир куни икки киши Худонинг уйига сиғингани келишади. Улардан бири имом, иккинчиси эса динсизбилан рўпора келадиган порахўр давлат ходими эди.

Имом ўзига ишонч билан Худога мурожат қилиб дейди: „Худойим мен бошқаларга ўхшаб ўғри, динсиз, бевафо эр, қолаверса, улардан ҳам баттари манабу порахўр давлатчига ўхшаш эмаслигим учун ўзингга шукур. Ҳафтасига икки марта рўза тутиб, топганимнинг ўндан бирини Сенинг йўлингга садақа қиламан“.

Нариги тарафда эса давлат ходими кўзларини ҳам кўтара олмай кўкрагини уриб: „Эй Худо, мен гуноҳкор банданга раҳим қилгин!“ — деб ёлворарди.

Ҳикояни айтиб бўлгач Исо шундай деди: „Мен сизларга айтсам, ўзига бино қўйган имомдан кўра, шу давлат ходими уйига кечирилган ҳолда қайтиб кетди. Негаки ўзини кўтарган ҳар ким камситилади, камтарлар эса обрў топади“.

Шу сабабдан мен ҳам Исо мени кечирим сўраб қилган нолаларимни эшитади деб ўйлайман. Сенчи?

### 2. Петр ва Корнилей Элчиларнинг ишлари 10:1-47; 11:1-4, 14, 18

Мен сизларга ҳозир Корнилей хакида кизик бир хикоя айтиб бераман.

Исо Масих кайта тирилгандан кейин у ҳақдаги хуш хабарни Иброҳимнинг юртидагина эмас, балки бошқа халқларга ҳам етказиш кераклиги айтилган эди.

Корнилей исмли Иброҳим улутига тегишли булмаган аскар кумондон бор эди. Шундай булишига карамасдан у жуда ҳам художўй одам эди ва доим худога ноъла килар эди. Кунларнинг бирида худонинг фариштаси унинг кўзига кўриниб: «Корнилей!», деб чакирди.

Корнилей қурқувдан котиб «Лаббай, хазратим» - деди.

Фаришта унга: «Худои таъоло сени нолаларингни эшитди ва бечораларга килган ерданингни ҳам кузатди! Петр исмли одамни топиб, сенинг олдинга олиб келиш учун одамларингни жўнат. У бошқа шаҳарда денгиз бўйида туноққа келган».

Фаришта кетганда Корнилей ўзининг энг яқин хизматкорларини олдига тўплаб, бўлган воқеани айтиб берибди. Сўнгра хизматчилар й ўлга отланибди.

Эртасига Корнилийнинг хизматчилари шаҳарга кириб келадиган маҳалда Петр уй томига сизиниш учун чиқди. Тушлик пайти бўлиб қолганди, унинг эса қорни оч эди.

Овкат тайерлагунларича унинг кузига очиқ осмон, ва пастга тушиб турган кенг дастурхон кўринди. Дастурхон устида хар хил турдаги жониворлар ва кушлар бор эди (унинг дини бўйича маън килинган хайвонлар ҳам бор эди). Шунда овоз унга: «Тур Петр ва уларни егин» - деди.

«Йук тангрим!» - деди Петр - «Мен хаetimда ҳеч қ ачон динимизда маън эътилган нарсаларни емаганман».

Тангри эса: «Худо яратган нарсани сен тоза эмас деб ҳисоблама», деди, бу уч марта қайтарланди ва дастурхон епилиб, кўздан гоиб бўлди.

Петр тан колиб бу нима маънони берар экин деб ўйланиб қолди. Бу маҳалда Корнилийнинг одамлари Петрнинг уйини топиб, эшиги олдида туришар эди. Кўринишнинг маъносини тушинолмай боши қотиб турган Петрга худо: «Ташқарида учта киши сени кутиб туришибди. Пастга туш ва улар билан ҳеч иккиланмасдан йулга чик, қўрқма, уларни мен жўнатдим» - деди.

Петр уларнинг олдига чиқиб, нима сабаб билан келишканларини суради. Улар унга: «Бизни Корнилий сени мехмонга олиб кетишимиз ва куткариш йулини айтиб беришинг учун жўнатди» - дейишди.

Эртаси куни Петр, унинг одамлари ва Корнилийнинг хизматчилари унинг уйига етиб келишди. Корнилей эса кариндош-уруғларини туплаб унинг келишини кутиб утирар эди.

Петр уйга кириши билан Корнилий унинг оеклариги тиз чукиб таъзим килди. Лекин Петр унга: «Туракол урнингдан мен ҳам одамман» - деди. Корнилий урнидан тургач ҳамма утирган хонага киришди.

Петр уларга: «Мени динимни коидалари Иброҳимнинг уругидан булмаган одамларнинг уйига киришни маън килади. Лекин менга худо бирорта ҳам одамни тозамас деб

хисобламаслигим кераклигини курсатди. Шунинг учун мени чакиришлари биланок келдим. Нега мени чакирганинларнинг сабабини айтиб беринглари энди» - деди.

Корнилий унга жавоб қилиб: «Уч кун олдин мен сизнинг турганимда, туъсатдан олдимда нур сочиб турган кийим кийиб олган одам пайдо бўлди. У менга «Корнилий, сени нолаларинг эшитилди» - деди. Унинг йулланмаси буйича сени ортингдан одам жунатдим. Хозир ҳаммамиз шу ерда тупланиб худо сенга нима деганини эшитишни хохлаймиз» - деди.

Петр гапиришни бошлади: «Мен энди яратган хакикатдан ҳам бетараф эканлигимга, ҳар қандай халқда ҳам, ундан кўриб адолат билан иш юргизганки одам унги маъқул эканлигимга ишондим. У Иброҳим уругига Исо орқали кутқарилишимиз мумкинлиги хақидаги хуш хабарни жунатди. Бу хуш хабарни ҳаммага етказишимизни ва ҳар бир ишонган одамнинг гуноҳлари кечирилишини тушинтиришимизни буюрди».

Петр гапириб турган бир пайтда, эшитиб утирганларнинг юрагини яратганнинг нури коплади. Улар худони буюклигини тан олиб, худо томонга юзланганларини ва гуноҳларидан юз угирганларини курсатиш ва Исога ишонганларини курсатиш учун сувга тушиш маросимидан утдилар. Бу ишлардан кейин Корнилий Петрни яна бир неча кун меҳмон бўлишини суради.

Сизлар ҳозир муқаддас китобларда езилган, хакикатдан ҳам бўлиб утган воқеани эшитдингизлар.

### **3. Дуненинг яратилиши, ва Нажот топиш хақида**

Бошида фақат Худо бор эди, Худодан бўлак ҳеч нарса йўқ эди. Кейин Худо сўзлади ва бутун дунёни, унга қўшиб дунёдаги бор нарсаларни яратди. Сўнгра ўзига энг азиз бўлган – одамзодни, яратди. Шундай қилиб Худо, эркак билан аёлни яратди. Худо ўз бандалари билан аъло даражадаги алоқада эди, улар билан бирга юрар, гаплар, улар хақида қайғулар эди. Лекин, бир кун ўша эркак ва аёл Худого бўй сунмай хато қилишди. Шунинг учун улар Худонинг ғазабига учраб, ундан ажралдилар.

Ўша эркак билан аёл тез орада фарзандли бўлдилар, уларнинг фарзандлари ҳам фарзанд кўришди, уларнинг ҳам фарзандлари болали бўлди. Шу йўсинда дунё одам билан тўлғунича давом этди. Афсуски, ҳаммалари ўша биринчи эркак билан аёл сингари Худодан ажралган ҳолда яшар эдилар. Лекин, Худо ҳеч қачон уларни эсидан чиқармади. Бир куни Худо, Иброҳим исмли одамга гапириб, шундай деди:

Сенга жуда кўп авлод бераман. Уларни эса фақат ўзим учун бўлган катта гуруҳга тўплайман. Мен бутун дунёга сен ва сенинг авлодларинг орқали марҳамат кўрсатаман.

Иброҳим жуда кекса одам бўлишига қарамасдан Худого чин юракдан ишонарди. Худо унинг ўзига бўлган ихлоси учун ҳам у билан яхши муносабатда бўлишга қарор қилган эди.

Худо Иброҳимга берган ваъдасининг устидан чиқиб Иброҳим ўғилли бўлди. Иброҳимнинг ўғли ҳам ўғиллар кўрди, уларнинг ҳам боллари ўғилли бўлишди. Шу йўсинда Худо ҳақиқатдан ҳам Иброҳимнинг авлодларини катта бир гуруҳга айлантди. Улар баъзан Худого бўй сунар баъзан эса биринчи эркак ва аёл сингари бўй сунмасдилар. Шунинг учун Худо одамларга у билан қандай қилиб яхши алоқада бўлишларини ўргатиш учун, вақти-вақти билан ўз вакиллари ерга жўнатар эди. Улардан бири Ишаъе, Нажоткор туғилиши ҳақида хабар олиб келди:

Биз ҳаммамиз гуноҳқармиз. Лекин Худо шундай деди: ` Мен сизларга сизларнинг барча гуноҳларингизни ўз зиммасига оладиган Халоскор, Нажоткор жўнатаман. Уни қамчилаб, савалашади. У сизларнинг гуноҳларингиз учун ҳалок бўлади. Лекин, мен унга қайта жон бераман. Унинг ёрдамида сизлар мен билан тўғри алоқада бўла оласизлар`.

Шу ондан улар ваъда қилинган Халоскорни келишини кутиб яшашди.

Худо ва ниҳоят, ваъда қилган Халоскор, ўзининг ўғли, Исо Масихни ерга жўнатди. Исо ҳар хил мўжизалар кўрсатиш, касалларни тўзатиш билан ва мен сизларга айтиб берган ҳикояда кўрсатилгандек, шайтонларни ҳам бошқара олиши билан ҳақиқатдан ҳам Халоскор эканлигини исботлади.

Ҳамма унга ишонмаса ҳам, унга ишониб эргашканлар кўп эди. Бир кун Исо шогиртларига шундай деди:

Менга эргашсангиз мен сизларга тоабат ҳаёт ато этаман. Сиз менга тегишли бўласиз. Ҳеч ким сизни мендан тортиб ололмайди. Мен билан Худо биттамиз, - деди.

Исога ишонмаганлар бу гапларидан ғазабланиб, давлат бошчиларини уни қатл қилишга кўндирдилар. Худо айтгандай Исони қамчиладилар, саваладилар ва у ҳалок бўлди. Лекин, худди ваъда қилингандай Исо қайта тирилди!

Сўнгра Исо қирқ кун давомида ўз шогиртлари билан бўлди ва ўликлар дунёсидан қайтиб келганини сўзсиз исбот қилди.

Бир куни Исо: `Мен яқинда кетаман, лекин, ўзимдан кейин сизларга Худонинг Рўҳини жўнатаман. Худонинг Рўҳидан сиз куч ва жасорат оласизлар. Ўша жасорат мен ҳақимда бутун дунёдаги одамларга гапириб беришингиз учун туртки бўлади. Одамларга мен сизга ўргатқанларимни ўргатинг. Сўзларингизга ишонганларида эса, уларни сувга чўмдиринг, яъни, менинг шогиртларимга айланишлари учун ўтказиладиган сувда чўмилиш маросими бу. Шунда улар ўз гуноҳларидан Худого мен орқали қайрилган бўладилар`, - деди.

Исо ўзи айтганидай бир куни шогиртларининг кўз ўнгида осмонга чиқиб кетди. Улар эса Исонинг осмонга кўтарилиб кетаётганини кўриб турдилар.

Исо бир кун албатта қайтиб келади, - деб жавоб қилди шогиртлари.

Ўша кундан эътиборан Исонинг шогиртлари уни қайтиб келишини кутиб яшадилар. Шундай қилиб улар ҳамма жойларга бориб Исо ҳақида одамларга айтиб бердилар, ишонганлар гуноҳларидан юз ўгириб Исо орқали Худодан нажот топдилар ва сувга чўмиб олинг.

Исога ишонган одамлар бугунги кунларда ҳам шундай қиладилар. Улар бирга тўпланиб, Худого сиғинадилар, Исо ҳақида ўрганадилар ва бир бирларига ғамхўрлик кўрсатадилар. Мен ҳам Исо ҳақида одамларга айтиб бераман.

#### **4. Дунёнинг яралиши Кириш 1:1-31; 2:1-25**

Бошида фақат Худо бор эди. Кегин Худо сўзлади ва бутун дунёни, унга қўшиб дунёдаги бор нарсаларни яратди. Биринчи бўлиб, у ёруғлик билан сувни яратди. Кейин, ер ва ундаги турли туман ўсимликлар ва дарахтларни яратди. Худо қуёш, ой ва юлдузларни ҳам яратди. У ҳар хил балиқлар, қушлар ва ҳайвонларни ҳам яратди. Ва ниҳоят, Худо одамни яратди, у одамзодни ўз нусхасидан қилган эди.

Худо одам танасини лойдан ясади ва унга жон ато этди, шундан сўнг у яшай бошлади. Сўнгра Худо одамни мевали дарахтлар ўсадиган боққа олиб келди. Худо турли туман дарахтлар экди. Бу дарахтлар жудаям ширин мевалар хосил қилар эди. Боғнинг марказида у иккита дарахт экди: биттаси ҳаёт ато қилгувчи дарахт, иккинчиси эса яхши билан ёмонни фарқини тушинтирувчи дарахт эди.

Худо Одам Атога, 'Хоҳлаган дарахтдаги меваларни ейишинг мумкин, фақат, яхши билан ёмонни фарқини тушинтирувчи дарахтга тегма. Акс ҳолда ўласан' - деди.

Худо одам ёлғиз бўлмаслиги керак деб, Одам Атони ухлатиб, унинг қовурғасидан аёлни яратди. Уни кўриб Одам Ато, 'Ва ниҳоят! У менинг нусхамдан экан', деб суйинди. Одам Ато ва унинг хотини, Момо Ҳаво яланғоч эдилар, лекин, улар уят хиссини билмас эдилар ва Худо билан яхши алоқада эдилар.

Худо уларни ёрлақди ва уларга: 'Кўпайинглар ва балиқлар, қушлар, ва барча жониворларга бошчи бўлинглар', деди.

Шундан сўнг Худо ўзи яратган дунёга боқиб, уни хар тарафлама а`ло эканини кўрди. Буларни ҳаммасини у олти кун ичида яратган эди.

Еттинчи кун эса, Худо ишни тўхтатди, ҳафтада бир кунни Худо ўзи учун ажратди, чунки у дунёни яратиб бўлган эди.

#### **5. Одам Ато ва Момо Ҳавонинг гуноҳи Кириш 3:1-19а, 21-24**

Худо яратган барча ҳайвонлар орасида энг айёри илон эди. Шайтон унинг ичига кириб олди ва у Момо Ҳаводан сўради:

Сенга Худо ростдан ҳам боғ ичидаги биронта дарахтнинг мевасидан еманглар дедими?

Йўғ, - деб жавоб қилди Момо Ҳаво. – Фақатгина битта яхши билан ёмонни фарқини тушинтирадиган дарахт мевасини ейиш мумкин эмас. Худо бизга ейиш ҳам, ҳаттоки уни ушлаш ҳам мумкин эмас, акс ҳолда ўласизлар, деб айтди.

Сен уни есанг ўлмайсан! Аксинча уни есанг сен ҳам Худодек яхши билан ёмонни фарқлай оладиган бўласан холос, – деди илон.

Илоннинг бу сўзларига Момо Ҳаво ишонди. Мева жудаям, ширин кўринарди. Унинг устига уни еса ақиллироқ ҳам бўлар эди. Шунинг учун, у ўша мевадан еди. Ёнида турган эрига ҳам берди. У ҳам еди. Уша заҳоти уларнинг ичида бир нарса ўзгарди. Бирданига кийимсиз юрганларига уялиб кетдилар ва барглар билан устларини ёпиб олдилар.

Кечка яқин Одам Ато билан Момо Ҳаво боғда Худо айланиб юрганини эшитиб қолиб, дарахтлар орасига бекиндилар. Худои Таоло: 'Қаердасан эй, Одам?' деб чақирди. Унга жавобан Одам:

Боғда юрганингни билиб яланғоч юрганим учун сендан қўрқиб бекиндим, деди.

Яланғоч эканингни сенга ким айтди? деб сўради Худо. – Мен еманглар деган дарахтнинг мевасидан едингларми?

Ҳа, ўзинг менга берган хотин олиб келган эди, мен едим.

Шунда Худои Таоло Момо Ҳавога:

Нега ундай қилдинг? деса.

Мени илон алдади, шунинг учун едим, - деди.

Худо илонни бу қилмиши учун жазолади ва шундай деди:

Умринг бўйи судралиб яшагайсан. Бугундан бошлаб сени авлодларинг билан хотиннинг авлодлари душман бўладилар. Сен уни товонини чақсанг, у сени бошингни эзиб ташлайди.

Момо Ҳавога эса Худо:

Бола кўрасан, лекин қаттиқ азоб билан уни дунёга келтирасан, - деди.

Одам Атога:

Сен Хотининга кулак солганинг учун, дарахт мевасидан единг, Мен сенга ема деган эдим, шунинг учун ерни лаънатладим, бутун умр ерни тиндалаб, тирикчилик учун ҳосилни ундан оласан. Лекин у тиканлар ўстириб сени азобга солади. Умрингни оҳригача тер тўкиб

ишлайсан, чунки сен кумдан яралдинг, ва кумга кайтажаксан. Худо Одамга ва Момо Ҳавога теридан кийим кийдирди, во жаннатдан хайдалди, чунки улар абадий ҳаёт кечирадиган бўлиб қолишадикю. Дарахт ҳаетини куриклаш учун паришталарни куйди.

## 6. Худо Иброҳимни танлади Кириш: 12:1-7, 15:1-6

Одам Ато билан Момо Ҳавонинг гуноҳлари туфайли Худо билан алоқалари бузилган эди. Лекин, Худо ўзининг энг азиз яратмасини эсидан чиқаргани йўқ эди. Кўп йиллар ўтиб Худо, уларнинг авлодларидан бири, Иброҳимни танлади. Бу ўша Иброҳим ҳақидаги ҳикоя.

Худо Иброҳимга сўзлаб, деди: `Ватанингдан, қариндош-уруғларингни олдидан кетгин. Мен сенга бир юртни кўрсатаман, ўша ерга бор. Буюк халқнинг отаси қиламан сени. Номингни улуғ қиламан ва барақа бераман. Сени улуғлаганларга ҳам барақа бераман, сени орқангдан бошқалар баракали бўлади.`

Шундай қилиб Иброҳим, Худо буюрганидек қилди. Кекса ёшдаги Иброҳим ўзи билан хотини Сорани, хизматчилари ва бор мол-мулкни олиб йўлга тушди. Худо айтган жойга етиб келишгач, ўша ердаги бир дарахтнинг орқасига чодир қуриб ўша ерда яшаб қолишди.

Худо Иброҳимга кўриниб, `Мен шу ерни сени авлодларингга бераман`, - деди. Иброҳим Худои Таолога раҳмат айтиб тиз чўқди.

Кунларнинг бирида Худо Иброҳимга шу сўзларни аён қилди:

- Қўрқма Иброҳим, мен сени ҳимоя қиламан, сенга буюк мукофотим бор.

Лекин, Иброҳим унга жавобан:

- Менда ўз фарзандим йўқ бир пайтда, бу мукофотларнинг нима кераги ҳам бор. Ахир сен менга фарзанд ато қилмадингку. Ўз фарзандим йўқлиги учун, бутун бойлигим қулларимдан бирига мерос бўлиб қолади.

Шунда Худо:

- Хизматкоринг сени меросхўринг бўлмайди, чунки мен сенга ўғил фарзанд бераман. Осмондаги юлдузларни санай оласанми? Мен сенга ўша юлдузлардек кўп авлод бераман`, - деди Иброҳимни кўчага бошлаб.

Иброҳим Худога ишонди, Худо билан Иброҳимнинг муносабатлари ҳақиқат эди

## 7. Ваъда Исаия/Ишаё 53

Қирол Довуд сингари, Худонинг халқи гуноҳ қилишда ва унга бўй сунмасликда давом этди. Лекин, Худо ўз халқини унутмади. Бўй сунмаганликлар-и учун Худо бошқа халқлар келиб уларни енгиларига йўл қўйди ва улар мамлакат бўйлаб чочилиб кетдилар. Бундай воқеалар юз беришидан олдин Худо уларга элчи жўнатиб нажот ҳақида хабар етказган эди. У одамларга:

- Худо бизга қутқарувчи Нажоткор жўнатади. Баъзилар уни ёмон кўриб ҳақорат қиладилар. У биз туфайли жуда кўп азоб чекади. У бизнинг гуноҳларимизни ўз елкасига олади, бизга тинчлик олиб келиш учун қамчи билан калтакланади.

Биз одамлар қўйларга ўхшаймиз. Қўйларни биласизку, йўлакдан чиқиб адашиб кетишади. Биз ҳам Худо йўлидан чиқамиз. Биз гуноҳ қиламиз, унга бўй сунмаймиз. Лекин, Худо бизнинг ҳамма гуноҳларимизни ўша Нажоткорнинг зиммасига юклайди. Аслида у қассобни хузурига олиб кетилаётган қўзига ўхшайди. У ҳеч нарса демай, бизнинг гуноҳларимиз учун жавоб беради.

Хайратга қоладиган ери шундаки, у қайта ҳаёт кўради. Шу сабабга кўра кўп одамлар Худо билан қайтадан алоқаларини тиклашади.

Шу хабарни Ишаё одамларга олиб келганди, ўша дақиқадан эътиборан ҳамма, ваъда қилинган Нажоткор келишини кутиб яшар эди.

## 8. Ёвуз руҳлар васвасасига учраган одам Марк 5:1-20

Исо кўрсатаётган мўжизалар ҳақидаги хабар кўп ерларга еткан эди. Шунинг учун одамлар уни ўз кўзлари билан кўриш истагида олдига келишар эдилар. Шундайлар орасида Исога эргашканлар ҳам бор эди. Одамларнинг орасидан Исо ўн иккита эркакни ўзига шогирд қилиб танлаб, уларни ўқитиб, ўзи билан саёҳатларда олиб юрди. Улар Исонинг энг яқин шогиртларига айландилар.

Исо ва унинг ўн икки яқин шогиртлари қайиқда кўлнинг нариги соҳилига келиб тўхтадилар.

Исо қайиқдан тушаётган маҳалда, қабристондан ёвуз руҳлар васвасасига учраган киши унинг олдига югуриб келиб тиз чўқди. Қабристонда яшайдиган бу одамни ҳеч ким занжирлаб ҳам қўлга ололмас эди. Чунки у ҳар қандай кишану занжирларни ўзиб тузоқдан қутилар эди. Унга кучи етадиган ҳеч ким йўқ эди. Кечаю кундуз қабрлар орасида бақириб, ўзини ўзи тошлар билан уриб санқиб юрар эди у доим.

Исо соҳилга яқинлаб қолганини кўрган бу одам, келишибиланоқ унинг олдига югуриб етиб келди ва тиз чўқиб, дахшатли овоз билан бақирди:

-Эй Худойи Таолонинг ўғли Исо, мен билан нима ишинг бор? Худо ҳаққи, мени қийнама!

Чунки Исо унга: `Эй ёвуз руҳ, бу одамдан чиқиб кет!` - деб буюрди.

- Исминг нима? – деб сўради ундан Исо.

- Исминг Кўпчилик, чунки бу одамнинг ичида биз кўпмиз, - деб жавоб

берди ёвуз руҳ. Сўнгра уларни бу ердан ҳайдаб чиқармаслигини Исодан ёлвориб сўранди. Олдиларидаги далада ўтлаб юрган тўнғиз подасини кўрсатиб:

- Бизни ана ўша тўнғизларга жўнат, уларнинг ичига кирайлик, - дейишди.

Исо рухсат берди. Рухлар эса шу заҳоти тўнғизларга кириб олишди ва икки минг тўнғиздан иборат катта бир тўда, адирнинг пастидаги кўлга ғарқ бўлиб кетди.

Тўнғизларни боқиб юрган чўпонлар эса юз берган воқеани кўшни қишлоқ ва шаҳарларга етказишга шошдилар. Эшитганлар эса тан қолиб, ўз кўзлари билан кўриш учун Исонинг олдига келдилар. Лекин кечагина ёвуз руҳлар қарамоғида юрган одамни, эс ҳуши жойида чиройли кийиниб ўтирганини кўриб қўрқиб кетдилар. Бўлган ишларни ўз кўзлари билан кўрганлар айтиб берганда эса, улар Исодан кетишини, уларни ўз холларига қўйшини сўраб ёлвордилар.

Исо қайиққа ўтирганда ёвуз руҳлардан озод бўлган одам унга эргашди. Лекин Исо унга:

- Йўқ, уйингга яқинларингни олдига қайт. Уларга Худо сенга кўрсатган муруввати ва мархамати ҳақида айтиб бер, – деди.

Шунда у киши Ўнкент вилоятига бориб Исо унга кўрсатган мўжизасини ҳаммага айтиб берди. Эшитканлар эса хайратдан лол қолишди.